

Ўттиз йилдан бери якинларимни ўрганаман. Мен уларни яхши биламан, деб айтолмайман. Ўйлашимча, биз учратган, танишган одамларга кўпинча юзига караб баҳо берамиз. Жагининг тузлиши, огзининг бичими, кўз карашларидан хулоса чиқарамиз. Одамлар ўзларининг инсон тўғрисидаги илк таассуротлари хар доим тўғри чиқишини айтишган пайтга елкамни кисаман. Ўзимга келганда, кўраманки, узок вақтдан бери билган одамларим хар гал: «Енг калин дўстларим факат шулар биров улар тўғрисида хеч нарса билмайман десам тўғри бўлади», деб мени хайрон колдиришади.

Бугун эрталабки газетадан Эдвард Хаид Бартоннинг Кобеда вафот этганини ўқиб, миямга шу фикрлар келди. У савдогар эди, Кўп йиллар Японияда яшади. Уни яхши билмасдим, биров кутилмаганда кизиқиб колдим, чунки бир сафар у менга гаройиб бир улги улахди. Агар бу хикояни ўз огзидан эшитмаганимда, унинг кўлидан шунука иш келихига хеч хам ишонмаган бўлардим. Хикоянинг фавкулодда таъсирли чиқишига афт-ангорининг, феъл-атворининг кандайдир бошқачалиги сабаб бўлди. У жиккаккина одам: жуда озгин, сочлари ок, кизил юзини ажин босган, кўзлари кўк эди. Менингча, танишган пайтларимда тахминан олтмиш ёшларда эди. Бартон хамиша тоза, одми, ёши ва мартабасига мос кийинарди.

Идораси Кобеда бўлса-да, Бартон тез-тез Ёкогамага келиб турарди. Бир гал кема кутиб бир неча кунни Ёкогамада ўтказишимга тўғри келган, шунда инглиз клубида уни менга таништиришди. Биз кимор ўйнадик. У аклни ишлатиб, курумсоклик килмай ўйнади. Ичимлик ичаётганимизда бир-икки марта гап кўшганини айтмаганда, ўша куни уни гапирмади деса хам бўлади. Гаплари хийла баъмани эди. Ўзи эса хотиржам, кайфияти яхши эди. Чамаси, Бартоннинг клубда обрўси баланд эди. Чунки кетганидан сўнг картабозлар уни зўр ўйинчилардан бири, дейишади. Бу воқеалар икаламиз хам Гранд Отелда турганимизда рўй берди ва эртаси куни у мени тушликка таклиф килди. Мен унинг тўладан келган, ёши ўтиб колган, доим кулиб турадиган хотини, икки кизи билан танишдим. Албатта, ахил ва бир-бирига меҳрибон оила эди бу. Бартоннинг феъл-атворидаги мени ўзига тортган хислат хайрихохлик эди. Унинг беозор мовий кўзларида кишига хуш ёқадиган нимадир бор эди. Овози ипақдай майин, жахли чиқиб, овозини кўтарган холатини тасаввурингизга сигдира олмасдингиз. Кулгуси хам жуда самимий, гўё меҳригиёси бор эди. Чунки сиз унинг муомаласидан ўзингизга хайрихохлик сезардингиз. Истараси иссик эди. Биров нозик табиатли деб бўлмасди: у карта ўйини-ю, коктейлини яхши кўрар, ичак узар латифаларни киёмига етказиб айтишни хам ўринлатар, ёшлигида спорт билан хам оз-моз шугулланган экан чоги, ўзига тўк бу одам кўп пул топарди. У шундай кичкина ва беозор эди-ки, беихтиёр ёктириб колардингиз. Уни нимадан дир химоя килгингиз келарди. У хакда «кўй огзидан чўп олмайдиган, ювош одам», деб ўйлардингиз.

Бир куни тушдан кейин мен Гранд Отелнинг оромхонасида ўтирардим. Деразалардан кемага тўла бандаргохнинг ажойиб манзарасини томоша килса бўларди. Йўловчи ташувчи улкан пароходлар, турли мамлакатларнинг савдо кемалари, хитойча елканли кемалару бири у ёкка, бири бу ёкка сузиб юрган кайикларгача кўриниб турарди. Бу жой жуда сершовкин эди, биров нимасидир кўнгилга таскин берарди. Орадан кўп ўтмай оромхонага Бартон кириб келди. Мени кўриб, ёнимдаги курсига чўкди. «Киттак ичмаймизми? Нима дейсиз?»

У чапак чалиб югурдак болани чакирди ва икки стакан арок буюрди. Бола арокни олиб

келаётганда, кўчадан ўтиб кетаётган таниш мени кўриб кўлини силкитди.

«Тёрнерни танийсизми?» мен хам унга бош сермаб салом берганимдан сўнг сўради Бартон.

«У билан клубда танишдим. Тёрнерни менга ватанидан келадиган пул хисобига яшайдиган мухожирлардан деб айтишди».

«Тўгри. Бу ерда шунака мухожирлардан бир талайи яшайди».

«У картани зўр ўйнаркан».

«Уларнинг хаммаси яхши ўйнайди. Ўтган йили бу ерга бир йигит келганди, менинг фамилиядошим, мен билган одамлар орасида картани энг яхши ўйнайдигани шу йигит эди. Сиз бунакасини Лондонда учратмагансиз. Исми Ленни Бартон эди».

«Йўк. Бунака фамилияни эслай олмаяпман».

«Ленни жуда зўр ўйинчи эди. У картани худди олдиндан нима бўлишини сезаётганга ўхшаб ўйнарди. Ўйинини кўриб койил колганингиздан ёка ушлардингиз. У билан кўп ўйнаб кўрганман. Ленни Кобеда хам анча вақт яшади».

Бартон арогидан хўплади.

«Бу анча кулгили воқеа. Ленни ўзи ёмон йигит эмасди. У менга ёкарди. Доим бинойидай кийиниб юрар, жингалаксоч, кизил юзли келишган йигит эди. Аёлларга жуда ёкарди. Бировга зиёни тегмасди. Лекин ўзини тийишни билмасди, бўкканча ичарди. Ўзи бу унга ўхшаган йигитлар учун одат бўлиб колган. Уч ойда деганда уйдан озгина пул келарди. Бундан ташқари, Ленининг ўзи хам картадан оз-моз пул ютиб турарди. Мен унга яхши муомала килардим.»

Бартон кулиб кўйди.

«Менингча, ўзимга якин олганим учун хам Ленни пулсиз колганида олдимга келди. Албатта, бир куни у идорамга келиб, иш топиб беришимни илтимос килди. Хайрон колдим. Ленни уйдан пул юбормай кўйишганини, энди ишламокчи эканини айтди. Ундан ёшини сўрадим.»

«Ўттиз бешдаман», деди.

«Авваллари нима иш килгансан?» деб сўрадим.

«Айтарли ҳеч иш килмаганман», деди.

Бу гапини эшитиб кулиб юбордим.

«Мен сенга ҳозир ҳеч қандай ёрдам беролмайман,- дедим унга. - Яна ўттиз беш йиллардан кейин олдимга келсанг, сенга қандай иш топиб бериш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўраман.»

Ленни жойида котди. Ранги окарди. Бир оз гарангсиб турди-да, кейин анчадан бери картада омади келмаётганини айтди. Чўнтагида бир тийини йўк, эди. Бор нарсасини гаровга кўйган. Яшаб турган мехмонхона хакини хам тўлай олмасди. Мехмонхонадагилар эса унга яна қарзга жой беришга рози бўлишмаган. У жуда ёмон аҳволда колган эди. Агар бирор иш тополмаса, ўзини ўзи ўлдириши хам ҳеч гап эмасди.

Унга диққат билан қарадим. Ленни дармонсиз бир аҳволда турарди. Кўп арок ичганидан кўриниши хам картаиёб колган одамга ўхшарди.

«Карта ўйнашдан бошқа яна бирор иш кўлингдан келадими?» деб сўрадим ундан.

«Сузишни биламан», деди.

«Сузишни!»

Анграйиб колдим. Бу шунуканги ахмоқона жавоб бўлдики...

«Университетимнинг спорт жамоасида сузганман».

«Ёшлигимдан мен хам сузишни койиллатганман», дедим мен.

Шу пайт хаёлимга бир фикр келди...

Бартон хикоясини тўхтатиб, менга юзланди.

«Кобеда бўлганмисиз?», деб сўради у.

«Йўк, - дедим мен. - Тўгри, бир марта Кобедан ўтганману, лекин у ерда факат бир окшом тунаганман.»

«Ундай бўлса сиз Шиоя клубидаям бўлганмисиз. Мен йигитлик пайтимда шу жойдан сузишни бошлаб, маёк ёнидан ўтганман ва Таруми кўлтигигача сузиб борганман. Бу, уч милдан зиёдрок масофани, маёк атрофидаги кучли окимга бас келиб, сузиб ўтиш анча кийин.»

Хуллас, мен ёш дўстимга бу ҳақда сўзлаб бердим ва «агар шу масофани сузиб ўтсанг, сенга иш топиб бераман», дедим.

Таклифим Леннини эсанкиратиб кўйди.

«Сузишни биламан деб айтаяпсан-ку», дедим мен.

«Лекин хозир яхши ахволда эмасман-да», деди у.

Мен ҳеч нарса демадим. Елкамни кисдим. Ленни менга бироз караб турди-да, кейин бошини сермади.

«Бўпти, - деди у. - Қачон сузишимни хохлайсиз?»

Соатимга карадим. Эндигина ўндан ўтганди.

«Сузишга бир ярим соат вақтинг кетади. Мен ўн икки яримда кўлтикка бориб, сени кутиб оламан. Кийиниб олишинг учун клубга кайтамин. Кейин бирга тушлик киламин.»

«Келишдик», деди у.

Биз кўл олишдик. Унга омад тиладим, у кетди. Ўша куни эрталаб ишларим кайнади, ўн икки яримда кўлтикка базур етиб бордим. Леннини кута бошладим. Лекин бекорга кутган эканман».

«Сузишга юраги дов бермабдими?», деб сўрадим мен.

«Йўк. У сузишни бошлаган. Аммо арокни кўп ичиб соглигини ишдан чиқарган эди. Маёк атрофидаги окимни енгиб ўтолмаган. Леннининг жасадини уч кундан кейин топдик».

Қанча вақт жим турганимни билмайман. Гангиб қолган эдим. Кейин Бартонга савол бердим:

«Унга иш таклиф қилган пайтингизда, чўкиб кетиши мумкинлигини билармидингиз?»

Бартон секин қулди-да, менга ўзининг меҳрибон мовий кўзлари билан каради. Кўли билан иягини ишкалади.

«Ўзи ўша пайтда идорамда бўш жой йўк эди».

Алишер Отабоев таржимаси